

“Тасдиқланган”
Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитаси
томонидан
12 ноябрь 2013 й.

11-сон ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИНГ РЕГЛАМЕНТИ
Фойдаланувчиларнинг бир марталик талаблари бўйича
СТАТИСТИКА АХБОРОТЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

1. Хизматнинг таърифи (паспорт)

1.1. Хизмат номи

Фойдаланувчиларнинг бир марталик талаблари бўйича статистика ахборотларини тақдим этиш.

1.2. Хизмат натижалари

Фойдаланувчининг талаби асосида статистика ахборотларини тақдим этиш.

1.3. Хизмат кўрсатиш органлари ва бланк олиш жойлари

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.
Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти www.stat.uz.

1.4. Ҳуқуқий асослар

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги “Давлат статистикаси тўғрисида”ги 441-П-сонли Қонуни.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 8-сонли Қарори.

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар

Манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар.

1.6. Сўров бериш муддати

Сўров бериш муддати ўрнатилмаган.

1.7. Бажариш муддати

10 иш куни давомида.

1.8. Тасдиқ бериш муддати

Ўрнатилмаган.

2. Хизматдан фойдаланувчиларни хабардор қилиш

2.1. Ахборот таркиби ва ҳажми

Фойдаланувчига статистика органларига берилган сўровига мувофиқ, оммабоп статистик маълумотлар тақдим этилади.

2.2. Кенг миқёсда хабардор қилиш

Давлат хизмати тўғрисидаги маълумот Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий сайтининг ўнг тарафидаги “Интерактив хизматлар” бўлимининг “Хизматлар рўйхати” қисмида келтирилган.

2.3. Сўров бўйича хабардор қилиш

Шахсан: соат 9-00 дан 18-00 гача хизматдан фойдаланиш бўйича ҳар қандай савол юзасидан оғзаки маслаҳат (10 дақиқадан ортиқ эмас) олиш.

Телефон орқали: соат 9-00 дан 18-00 гача хизматдан фойдаланиш бўйича ҳар қандай катта ҳажмдаги аниқ ахборот берилишини талаб қилмайдиган савол юзасидан оғзаки маслаҳат (5 дақиқадан ортиқ эмас) олиш.

Факс орқали: соат 9-00 дан 18-00 гача сўров бўйича ёзма ҳужжатларни (3 варақдан кўп бўлмаган) қабул қилиш ва узатиш.

Электрон почта орқали: ҳар қандай ёзма сўровларни кенг тарқалган матн форматларида (оддий матн, DOC, RTF, PDF форматларида бириктирилган файл) ёки келишилган бошқа форматларда кечаю кундуз қабул қилиш, соат 9-00 дан 18-00 гача оддий матн форматида, DOC, RTF, PDF форматидаги бириктирилган файл кўринишида ёки келишилган бошқа форматларда ёзма ҳужжатларни узатиш.

Давлат статистика қўмитаси расмий сайтига шахсий мурожаат – кечаю кундуз.

2.4. Хизмат кўрсатиш жойи ҳақида хабардор қилиш

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Мирзо-Улуғбек тумани, 100192, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63.

2.5. Фойдаланиладиган ҳужжат бланклари (шакллар)

Ҳужжат бланкалари (шакллар) ишлатилмайди.

3. Хизмат кўрсатиш

3.1. Иш вақти

Иш тартиби: иш кунлари соат 9-00 дан 18-00 гача.

3.2. Кутиш шартлари

Сўровни кўриб чиқиш муддати 10 иш кунини ташкил этади.

4. Хизмат кўрсатиш тартиби

4.1. Зарур ҳужжатлар

Қизиқтираётган статистика ахборотини ҳамда унинг қанақа кўринишда (қоғоз ёки электрон) олиши кераклигини кўрсатган ҳолда, статистика органларига Давлат статистика қўмитаси раҳбарияти номига ёзма расмий сўров.

Сўровга қўшимча равишда:
Юридик шахслар тўлиқ номини, почта манзили ва телефон рақамларини;
Жисмоний шахслар фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи манзили,
телефон рақами ва паспорт нусхасини кўрсатадилар.

4.2. Хизмат ҳақи

Хизмат ҳақи ўрнатилган тарифларга мувофиқ ҳисобланади.
Хизмат учун тўлов Давлат статистика қўмитасининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4.3. Давлат хизматини кўрсатиш босқичлари

- 1) статистика органларига расмий сўров жўнатиш;
- 2) статистика ахборотини тайёрлаш;
- 3) сўралган статистика ахбороти қийматини ҳисоблаш;
- 4) статистика ахбороти қийматини тўлаш;
- 5) мурожаат этувчи томонидан жавобнинг олинishi.

4.4. Давлат хизматини кўрсатишда ички идоравий жараёнлар

- 1) келиб тушган сўровни рўйхатга олиш;
- 2) маълумот тайёрлаш учун масъул шахсни аниқлаш;
- 3) статистика ахборотини тайёрлаш;
- 4) статистика ахбороти қийматини ҳисоблаш;
- 5) мурожаат этувчини телефон орқали статистика ахбороти тайёрлиги ҳақида огоҳлантириш.

4.5. Рад этиш асослари

Сўралаётган ахборотнинг махфийлиги ёки тарқатилишининг чекланганлиги;
Сўралаётган ахборотнинг мавжуд эмаслиги;
Хизмат ҳақини тўлашдан бош тортиш;
Фамилияси, исми, отасининг исми ва почта манзили (юридик шахс номи,
юридик манзил) кўрсатилмаганлиги;
Нотўғри маълумотлар кўрсатилганлиги;
Матнида беадаб (уятли) ёки ҳақоратомуз сўзлар мавжуд бўлган маълумотлар
келтирилганлиги;
Сўров матнида ноаниқ қисқартмалар ёки реклама материалларининг борлиги.

5. Сифат таъминоти

5.1. Сифат параметрлари


Хизмат кўрсатиш сифати кўрсатиладиган хизматлар учун ўрнатилган тартибга тўлиқ жавоб беради.




5.2. Хизмат сифати устидан шикоят қилиш тартиби

Статистика органларига белгиланган тартибда ёзма мурожаат қилиш ёки Давлат статистика қўмитасининг расмий сайтидаги қарши алоқа шакли орқали шикоят билдириш мумкин.

Давлат хизматини кўрсатиш схемаси


Фойдаланувчиларнинг бир марталик талаблари бўйича статистика ахборотларини тақдим этиш






| | |
|---|---|
|  | Тўғри тўртбурчак (квадрат) – ҳаракатни билдирувчи элемент. Элемент ичида ҳаракат номи келтирилган. |
|  | Доира (овал) – объектларни кўрсатувчи элемент (бу ерда хизматни олиш натижаси). Элемент ичида олинаётган ҳужжат номи келтирилган. |
|  | Кўрсаткич – ҳаракатлар кетма-кетлигини кўрсатувчи алоқа элементи. |

Давлат хизматини кўрсатишда ички идоравий жараёнлар таърифи

**Фойдаланувчиларнинг бир марталик талаблари бўйича
статистика ахборотларини тақдим этиш**



| | |
|---|---|
|  | Тўғри тўртбурчак (квадрат) – ҳаракатни билдирувчи элемент. Элемент ичида ҳаракат номи келтирилган. |
|  | Доира (овал) – объектларни кўрсатувчи элемент (бу ерда хизматни олиш натижаси). Элемент ичида олинаётган ҳужжат номи келтирилган. |
|  | Кўрсаткич – ҳаракатлар кетма-кетлигини кўрсатувчи алоқа элементи. |